

Тошкент ислом институти Москва шаҳридаги Имом Бухорий номидаги мусулмонлар маҳаллий диний ташкилоти билан меморандум имзолади



18:24 / 16 январь 1056

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ва Россия федерацияси Москва шаҳар Имом Бухорий номидаги мусулмонлар маҳаллий диний ташкилоти ўртасида Англашув меморандуми имзоланди. Бу ҳақда Тошкент ислом институти матбуот хизмати хабар берди.

Меморандумдан кўзланган асосий мақсади икки муассаса ўртасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, таълим соҳасида алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат.

Томонлар ўртасидаги ҳамкорлик қуйидаги фаолият йўналишларини ривожлантиришга қаратилган:
таълим соҳасида илмий ва маънавий-маърифий йўналашларда ҳамкорликни амалга ошириш;
ўқитувчилар, илмий ходимлар ва талабаларни малакасини ошириш, ўқув-

илмий фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, ўқитучилар стажировкасини ташкил этиш;
биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, таълим соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш, инновацион фаолиятни биргаликда амалга ошириш;
халқаро ўқув, илмий ва илмий-техникавий лойиҳалар, конгресслар, симпозиумлар, конференциялар, семинарларни ташкил этиш, шунингдек, ўқув ва илмий адабиётлар алмашинувини йўлга қўйиш.

ТИИ Матбуот хизмати



